## 23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

*«Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинганларнинг ҳаммаси тенг ҳуқуқларга эга».*

**(“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 281-моддасидан).**

# НОМЗОДЛАРНИНГ ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИ

Шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг сиёсий кўринишларидан асосийси – бу фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидир. Маълумки, сайловлар замонавий демократиянинг асосий ва туб институтлари сирасига киради. Шу боис ҳам “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактнинг 12-моддасида “Ҳар бир шахс ўз мамлакатида сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадир” деб белгилаб қўйилган ва бу халқаро меъёр Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида мустаҳкамланган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасига кўра, “Халқ эрки ҳукуматга тегишли бўлган ҳокимиятнинг асоси бўлиши керак: бундай эрк умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан аҳамиятли шакллар воситасида амалга оширилиши кўзда тутилган даврий ва сохта бўлмаган сайловларда намоён бўлиши даркор”. Пировардида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган нормаларини ўзида мужассам этган, инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаган, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида қурилган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини (ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим тамойилларидан бири сифатида тан олган ҳолда, халқнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокини) белгилаб берди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига сайлайдиган ўз вакиллари орқали ёки бевосита давлат ҳокимиятини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бундай ҳуқуқларни амалга ошириш жараёнларида Ўзбекистон Республисининг ҳар бир фуқароси қонунларда белгилаб қўйилган тартибда дахлсизлик иммунитетидан фойдаланади.

Дахлсизлик иммунитети деганда, аввало, ташқи таъсир ва тажовузлардан, ноқонуний хатти-ҳаракат ва чекловлардан муҳофазада бўлиш ҳуқуқи назарда тутилади. Дахлсизлик иммунитетига эга бўлган субъектлар қаторига сиёсий фаолият ҳамда мансаб дахлсизликлари ҳам киради.

Сиёсий фаолият дахлсизлиги – бу сайлаш ва сайланиш, ўз-ўзини бошқариш ва жамоат ташкилотларига аъзо бўлиш. Мансаб дахлсизлиги эса — бу шахснинг бирон-бир мансабни эгаллаши билан бериладиган ваколатлар доирасидаги дахлсизлик бўлиб, бу ҳуқуқлар Президент дахлсизлиги, судьялар дахлсизлиги ва депутатлар дахлсизлигида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 91-моддасида мамлакат Президентининг дахлсизлик иммунитети эътироф этилган. Дахлсизлик иммунитети Президент шахси дахлсиз эканлигини ва у қонун билан ҳимоя этилишини назарда тутади. Президент дахлсизлиги унинг бутун фаолиятига тааллуқлидир.

Шу ўринда «Президентликка номзод ҳам дахлсизлик иммунитетига эгами?» деган савол туғилиши табиий.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган ҳар бир номзод, у қайси сиёсий партиядан ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳидан кўрсатилган бўлишидан қатъи назар, Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан сайлов натижалари эълон қилингунга қадар дахлсизлик иммунитетига эга бўлади.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилишига, ҳибсга олинишига ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилишига йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бунга розилик берган тақдирда, Марказий сайлов комиссиясини дарҳол хабардор қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни мажбурий келтириш, унинг шахсий буюмларини, юкини, транспортини, турар жой ва хизмат биноларини кўздан кечириш тақиқланади.

Қонунчиликда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар учун сайлов комиссиялари, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар ва барча фуқаролар томонидан эътиборга олиниши мажбурий бўлган бундай иммунитетнинг назарда тутилиши, аввало, ҳар бир номзоднинг ўз сиёсий ҳуқуқларини эркин рўёбга чиқаришга, сайловолди ташвиқотларида тенг ҳуқуқлилик асосида қатнашишга ва номзодлар учун яратилган барча шароитлардан адолатли фойдаланишга қаратилган ва бу, албатта, номзодларнинг дахлсизлик ҳуқуқини тўлиқ кафолатлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга нисбатан сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш чоғида ҳам, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида ҳам, келгуси фаолият дастурлари билан таништиришда ҳам ҳеч қандай чекловлар ва фарқлашлар, бирон-бир тўсиқлар бўлиши мумкин эмас.

Энг муҳими, дахлсизлик иммунитети номзодларнинг қонунга хилоф равишда маъмурий ёки жиноий таъқиб қилинишини, шундай усуллар билан қўрқитилишини, ўз номзодини олишга мажбур қилинишини чеклайди ҳамда шахсий ва мулкий дахлсизлигини, сайловолди фаолиятини эркин ва тенг ҳуқуқлилик асосида юритишини кафолатлайди. Шунингдек, номзоднинг шаъни ва қадр-қимматини, хат ёзишмалар, телефон сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланишини ва оила сирларини, турар жой дахлсизлигини ҳимоя қилади.

**Абдукамол РАҲМОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиғи.**

# Саҳнада — истеъдодларнинг янги авлоди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жамғарманинг фан, таълим, маданият, санъат, спорт соҳаларида тинимсиз изланаётган, интилувчан ва фидойи ёшларни аниқлаш, уларнинг ўз истеъдодини тўлиқ намоён этиши учун барча имконият ва шароитларни яратиш, келгусидаги янгидан-янги ижодий парвозлар сари ундаш борасидаги кўплаб ижодий лойиҳалари бунга ёрқин мисолдир. Ушбу жамоат ташкилоти ташаббуси билан ўтказилаётган «Навқирон Ўзбекистон», «Келажак овози», «Янги авлод» каби фестиваллар, кўрик-танловлар, иқтидор эгаларининг интеллектуал беллашувлари, фанлар бўйича олимпиадалар, концертлар, бадиий кўргазмалар, таълим, педагогик йўналишдаги грантлар дастури мамлакатимиз ёшлари ўртасида тобора оммалашиб бораётгани билан янада аҳамиятлидир. Айни пайтда мазкур лойиҳалар ғолибларининг фаолияти кейинчалик ҳам жамғарма томонидан қўллаб-қувватланаётир. «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивалининг аввалги йиллардаги Хадича Имомназарова, Муродулла Ҳакимов, Ўсмирлар симфоник оркестри сингари ғолиблари нафақат юртимиз, балки хориждаги нуфузли фестиваллар, кўрик-танловлар, концертларда ҳам муваффақиятли қатнашмоқдалар.

Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган саккиз ярим минг нафарга яқин ўғил-қиз иштирок этган бу йилги фестивалнинг якуний босқичи болажонлар учун чинакам санъат, дўстлик, гўзаллик ва нафосат байрамига айланди. Уч кун давомида иштирокчилар пойтахтимизда истиқлол йилларида барпо этилган турфа хил иншоотлар, майдонлар, музейлар, театрлар, маданият саройларига саёҳат қилдилар. Улар учун бадиий кўргазмалар, болалар ҳаваскорлик жамоаларининг концертлари ўтказилди, санъат усталари, таниқли ёзувчи ва шоирлар иштирокида давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар, маҳорат сабоқлари, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

«Янги авлод-2007» санъат байрамининг якунига кўра, беш юздан ортиқ ўғил-қизлар классик мусиқа, миллий чолғу асбоблари ижрочилиги, хонандалик, рақс, тасвирий ва амалий санъат, шеърият, насрий ва саҳна асарлари йўналишлари бўйича фестиваль ғолиблари, деб топилди. Кўтаринки руҳда ўтган тадбирда совриндорларга дипломлар топширилди.

Улардан бири — Феруза Ботирова Урганчдаги 24-мактабда ўқийди. У фестивалга дугоналари билан «Сурнай лазгиси» рақсини тайёрлаб келган. Бунда қизларга устозлари, моҳир санъаткорлар яқиндан ёрдам берганлар. Ёрқин таассуротларга бой бўлган ушбу фестиваль қизларнинг хотирасида бир умр сақланиб қолишига шубҳа йўқ.

— «Янги авлод» фестивали ҳамма болалар қаторида менга ҳам жуда ёқади, — дейди Ф.Ботирова. — Бу ерда катта санъаткорлар ижроси билан яқиндан танишганимиздан, уларнинг маҳорат сабоқларидан баҳраманд бўлиш имконияти яратилганидан, авваллари телевизор орқали томоша қилган муҳташам саройларнинг саҳнасида ўзимиз концерт берганимиздан бошимиз осмонга етди. Юртбошимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган бундай улкан эътибори ва ғамхўрлигига «аъло» ўқишимиз, ижоддаги ютуқларимиз билан жавоб берамиз.

Тадбирда санъат усталари, эстрада юлдузлари ҳамда «Янги авлод -2007» фестивалининг совриндорлари иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

халқаро юк ва йўловчи ташишни ўзаро тартибга солишга, транспорт соҳасидаги ҳамкорликка оид битимлар имзоланган. Ўзбекистон билан Италия ўртасида савдода энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

Ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида икки мамлакатнинг ҳам имкониятлари катта. 2007 йилнинг январь-сентябрь ойларида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 42,2 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Жумладан, Ўзбекистоннинг Италияга экспорти 2006 йилнинг шу давридагига нисбатан 37,2 фоизга ўсди. Мамлакатимизда Италия билан ҳамкорликда тузилган 42 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда, Италиянинг 7 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

— Италиянинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши катта, — деди Италия ташқи савдо вазирининг ўринбосари Милош Будин. — Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай муҳит италиялик ишбилармонларнинг қизиқишини кучайтирмоқда. Бу омил келгусида ҳамкорлигимизнинг янада кенгайишига хизмат қилади. Мақсадимиз мамлакатларимиз ўртасида иқтисодиёт, энергетика, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, банк-молия тизими, сайёҳлик сингари кўплаб тармоқларда икки томон учун ҳам манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

Анжуманда товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига эътибор қаратилди. Ўзбекистон ва Италиянинг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Ишбилармонларнинг бевосита ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш учун савдо-саноат палаталари, банк-молия муассасалари алоқаларини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шу куни Ўзбекистон ва Италия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда Италия делегацияси сафида "Chemtex Italia", "UniCredit Group", "Finmeccanica" каби йирик компания ва банк-молия муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Италиялик ишбилармонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар. Анжуманда ишбилармонлар Ўзбекистон ва Италиянинг машинасозлик, нефть-газ, нефть кимёси, кончилик, қишлоқ хўжалиги, озиқовқат, тўқимачилик, кўнчилик, енгил саноат, сайёҳлик каби соҳаларида алоқаларни кенгайтириш ва Италия компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**




# ЯРМАРКАДАН — ШАРТНОМАГА

(Давоми. Боши 1-бетда).

мисол. Ҳозиргача самолётларда фойдаланиладиган пластмасса идишларни хориждан сотиб олардик. Энди бунга чек қўйилади. Сабаби, кеча мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган “MVM” қўшма корхонаси билан 1 млн. 870 минг дона пластмасса идиш етказиб бериш юзасидан 304,4 млн. сўмлик шартнома имзоладик. Улар таклиф қилган маҳсулот намунаси ҳеч бир хорижий давлатникидан қолишмайди. Бунинг устига, тегишли стандартлаштириш идоралари томонидан сертификатланган.

Бундан ташқари, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси билан ҳам самарали келишувга эришдик. Яъни, улар авиакомпаниямиз учун 360 млн. сўмлик 120 минг дона босма маҳсулот етказиб берадиган бўлди. Умуман, анжуманнинг биринчи куниёқ, 7 та маҳаллий корхона билан 2 млрд. 364 млн. сўм миқдорида шартнома имзоладик. Таҳлиллар ва таклифлар эса бу кўрсаткичнинг яна бир неча баробар ошишидан дарак бермоқда.

Тадбир ташкилотчиларининг маълум қилишича, саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси савдолари давомида маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, қайта ишланган материаллар олди-сотдиси бўйича ҳозирча “Ўзавтосаноат” уюшмаси, Навоий тоғ-металлургия комбинати, “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компанияси етакчилик қилмоқда. Хусусан, кончилар биринчи куни 22 та ишлаб чиқариш субъекти билан 70,2 млрд. сўмлик шартнома имзолаган бўлса, автосаноатчилар 41,1 млрд. сўмлик миқдорида 24 та олди-сотди шартномасини туздилар. Эътиборлиси, йирик корхоналарнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга қизиқишлари кучли. “ЎзДЭУ-авто” акциядорлик жамияти билан Асакадаги “Давр бутловчи” масъулияти чекланган жамияти ўртасида 1 млрд. сўмликдан зиёд 2 та шартнома имзолангани бунинг тасдиғидир.

Дарҳақиқат, биринчи Ўзбекистон саноатчилари форуми ва кооперация биржаси ўзига хос кўтаринки руҳда кечмоқда. Йирик корхоналар раҳбарлари ва тадбиркорлар ақлни пешлаб, қўлни- қўлга ташлаб, ҳамкорликнинг янги қирраларини ва иқтисодий тараққиётга эришиш истиқболининг янги уфқларини биргаликда очишга ҳаракат қилмоқдалар.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбирлари.**
**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

# ЦЕМЕНТ САНОАТИ ВА БОЗОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон цемент ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот сифати бўйича Марказий Осиёда етакчи ўринлардан бирида туради. Мамлакатимизда қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи заводларни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, хориждаги турдош корхоналар билан алоқаларни кенгайтириш учун қулай шарт-шароит яратилган. Сўнгги йилларда цемент ишлаб чиқариш ҳажми 1,8, экспорт эса 10 баравар ортди.

Соҳадаги ишларни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида қабул қилинган 2005-2010 йилларга мўлжалланган дастурда тармоққа хориж сармояси жалб этишни кенгайтириш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга оид муҳим вазифалар белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 июндаги “2007-2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация килиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги қарорига биноан, қурилиш материаллари саноати корхоналарини сифатли, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, илғор машина-ускуналар билан жиҳозлаш орқали модернизация қилишни жадаллаштириш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлашни таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Конференцияда Ўзбекистон, Россия, Германия, Қозоғистон, Италия, Украина, Эрон, Чехия каби мамлакатларнинг йирик компания ва корхоналари вакилларининг ўз юртида цемент ва бошқа қурилиш материаллари бозорининг бугунги аҳволи ва истиқболлари, цемент ишлаб чиқаришдаги сўнгги янгиликлар, соҳага илғор технологияларни жалб этиш, тармоқни модернизация қилиш ва қўшма корхоналарни ташкил этишга оид маърузалари тингланди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# 30 МИНГ ОИЛА ҚУВОНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳозирги кунда юртимизда жами оилаларнинг қарийб 40 фоизини ёш оилалар ташкил қилишини эътиборга олсак, мазкур ҳужжат нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Ушбу Фармон боис ёшларнинг мустақил ҳаётга дадил қадам қўйиши ва меҳнат фаолиятини бошлаши, барқарор даромад манбаига эга бўлиши, уй-жой ҳамда маиший шароитини яхшилаб олиши учун янада кенгроқ имконият яратилди.

Эътибор беринг: ушбу Фармон қабул қилиниши биланоқ, дастлабки икки ой ичида тижорат банклари томонидан 14 минг нафардан ортиқ ёш оилаларга 28,5 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан олинган маълумотга қараганда, шу йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, 30 минг ёш оилага 57 миллиард (!) сўмлик кредитлар ажратилган. Демак, бу — шунча ёш оилалар хонадонига фаровонлик ва файз-барака кириб борди, дегани! Қувонарлиси шундаки, Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда, тижорат банклари томонидан бундай имтиёзли кредитлар 2007 йилдаги ажратилган ҳажмдан кам бўлмаган миқдорда бундан кейинги йилларда ҳам берилади.

— Ёшим 28 да. Уйланганимга энди икки йил бўлди, — дейди ёш оила вакили Сирожиддин Икромов қувончини яширолмай. — Ширингина фарзандимиз бор. Биласиз, инсон орзу-ҳавас, эзгу ният билан яшайди. Биз ҳам турмуш ўртоғим билан уй-жой сотиб олишни орзу қилгандик. Ҳукуматимиз берган имтиёздан фойдаланиб, уй харид қилиш учун банкдан 27,5 миллион сўм кредит олдик. Очиғи, қувончимиз еру кўкка сиғмайди. Бунинг учун биз, ёшларга ғамхўрлик кўрсатаётган, бугунимизу эртамизни ўйлаётган Президентимизга раҳмат!

Ҳа, ушбу ҳаётбахш Фармоннинг қабул қилиниши мамлакатимизда инсон, унинг манфаати, баркамол авлод келажаги йўлида олиб борилаётган одилона сиёсат маҳсулидир. Зеро, бу ҳуқуқий ҳужжат минглаб хонадонларга қувонч ва шодлик олиб кирди. Ёшларимизни ўз Ватанига, халқига бўлган меҳр-муҳаббатини янада оширди.

**Ф. САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАБИАТГА ТАЖОВУЗ ҚИЛМАНГ

***Кийик – ўтхўр жонивор, сиртлон – гўштхўр ҳайвон. Кийик ўтсиз яшай олмаганидек, сиртлон ҳам гўштсиз жон сақлолмайди. Бу – табиатнинг темир қонуни. Аммо биз, инсонлар нафсимиз йўлида кийик овлаймиз, кўнгилхушлик учун сиртлонни ҳам ўлдирамиз. Илм-фан ва техникадаги ютуқларимиздан фахрланиб, унинг салбий оқибатлари ҳақида бош қотиргимиз келмайди...***

***Инсониятнинг ана шундай “яратувчанлиги” оқибатида экологик муаммоларнинг пилиги ҳар доимгидан-да кўтарилиб, башариятнинг оғриқли дардига айланди. Айни пайтда яққол сезилаётган иқлим ўзгариши, тупроқ деградацияси, ичимлик суви танқислиги, биологик хилма-хилликнинг камбағаллашиб бораётганию чиқиндиларнинг кўпайиб бориши... Булар биз, инсонларни огоҳликка ундайди. Табиатга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Негаки, ушбу муаммолар сизу бизнинг номақбул хатти-ҳаракатимиз, нафс жиловини тутолмай она табиатга ўтказган чексиз зуғумимиз маҳсулидир. Исботми?***

**Мавзу**

Мутахассисларнинг сўнгги ҳисоб-китобларига қараганда, қуруқликнинг 60 фоиздан зиёдини антропоген ландшафтлар эгаллар экан. Чўлларнинг эса, 9,1 миллион квадрат километри айнан инсоният таъсирида вужудга келган. Ачинарлиси, бу жараён ҳамон тўхтаганича йўқ. Аксинча, янада кенгроқ палак ёймоқда. Аниқроғи, чўлланиш соатига 7 квадрат километр тезликда рўй бераётир. Натижада айни пайтда дунё аҳолисининг 250 миллион нафари бу муаммонинг таъсирини сезмоқда. Ушбу хавф яна 1,2 миллиард кишига таҳдид солиб турибди. Чунки аҳвол шу даражада давом этаверса, яқин келажакда қурғоқчил минтақаларнинг қарийб 95 фоизи саҳрога айланиши муқаррар!

Мадомики аҳвол шу даражага бориб етган экан, нима қилмоқ керак? Муаммонинг олдини олиш учун қандай чоралар кўрган маъқул?

Бу борада мутахассисларнинг тавсиялари кўп. Ҳатто кўплаб халқаро дастурлар ишлаб чиқилиб, аксарияти ҳаётга татбиқ этиляпти. Миллий ва халқаро қонунчилик ҳам мустаҳкам. Бироқ инсон тафаккури ўзгармаса, унда теварак-атрофидаги нарсаларга масъуллик ҳисси бўлмаса, чекловлару тақиқларнинг самара бериши маҳол. Демак, энг аввало, одамлар дунёқарашини ўзгартирмоқ керак, экологик маданиятни ўстириш зарур. Оддий мисол: ичимлик сувининг 30-40 фоизи эътиборсизлик оқибатида қувурлардан, каналлардан оқиб кетиши оқибатида исроф бўлар экан.

Ўйлаб қоласан, киши: жўмракни ҳафсаласизлик биланми ёки атайлаб (мева-сабзавотларни сув остида совутиш, кир ювгунча сувни оқизиб қўйиш одатга айланган) очиқ қолдирганлар дунёнинг бошқа жойларида ичимлик суви товар сингари сотилишидан хабардормикан? Томорқасини ичимлик суви билан суғораётган айрим кишилар-чи? Ахир, жаҳонда 1,1 миллиард киши унинг ҳар томчисига зор. Қолаверса, жўмракни бураган заҳотимиз шариллаб чиқадиган оби-ҳаёт келгунича қанча кишилар меҳнатию давлатимизнинг озмунча маблағи сарф этиладими? Бу ҳолатлар кишиларда экологик савиянинг етарли даражада эмаслигини кўрсатади, албатта.

— Ташкилотимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган экология ва саломатлик кунлари дастурида миллионлаб юртдошларимиз иштирок этаяпти, бу уларнинг экологик маданияти секин-аста ўсаётганидан далолат беради, — дейди “Экосан” халқаро ташкилоти раиси Ю. Шодиметов. — Шунинг баробарида айрим ҳудудларда яшовчи фуқаролар санитария ва экология маданиятининг ҳали ҳам пастлиги оқибатида атроф-муҳит, табиатга, айниқса, ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда хатоликларга йўл қўйишмоқда. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришда нафақат соҳа ходимлари, балки кенг жамоатчилик, хусусан, маҳалла оқсоқоллари яқиндан ёрдам беришса, унинг таъсири катта бўлур эди.

Кейинги пайтларда экологик маданият тушунчаси ҳақида кўп гапириляпти. Таъкидлаш керак, бу маданият бизда бундан бир неча аср илгари пайдо бўлган. Унинг шаклланишида Ислом динининг таъсири катта бўлгани шубҳасиз. Зотан, Исломда атроф-муҳитга муносабат, поклик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Бу бизга, кексалар тили билан айтганда, “Сувга тупурма — гуноҳ бўлади”, “Ахлатни анҳорга оқизма, кўчага ташлама — ёмон бўлади” тарзида сингдирилган. Биргина “Ёмон бўлади” иборасининг ўзи бу хатти-ҳаракатнинг оқибати қанчалик хунук эканлигидан дарак беради. Назаримизда, бугун ҳамма гап ана шу маданиятни қадрият даражасига кўтара олиш ва унга амал қилишда қолган, холос.

— Тарихдан маълумки, Ислом динининг илк даврлариданоқ табиат муҳофазаси, набобот ва ҳайвонот оламини ҳимоя қилишга катта эътибор бериб келиняпти, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Ҳожи Абдураззоқ Юнус. — Аллоҳ таолонинг инсонлар учун ато этган бу неъматларисиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Фақат сувнинг хосиятлари ҳақида Қуръони каримнинг олтмишга яқин оятларида муфассал баён этилиб, уларни ифлослантирмасликка буюрган. Акс ҳолда, сувдаги ноз-неъматлар заҳарга айланиши ҳеч гап эмас. Динимизнинг табиатни муҳофаза қилиш, яшаб турган жойларимизни озода тутиш, ичимлик сувимизни беғубор сақлашимиз, ўзимизни эса покизаликка ундаши замирида инсонларнинг фаровон келажаги, уларнинг саломатлик масалалари мужассам.

Дарҳақиқат, ер ости ва устидаги жами неъматлар инсон учун. Аммо ўз эҳтиёжимизни рўкач қилиб, уларни ҳуда-беҳуда совуриш ярамайди. Ер қаъридан қазиб олинаётган табиий бойликлар битмас-туганмас эмас, охири бор. Яна шуни унутмаслик керакки, улар нафақат бизнинг, балки келажак авлоднинг ҳам ризқи-насибаси.

Дунё экологлари кейинги йилларда атмосфера тобора ифлосланиб бораётганидан огоҳлантирмоқда. Бунга завод ва фабрикалар қатори автоуловларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлаётган экан. Унга параллел равишда кислород манбаи — яшил майдонларнинг қисқариб кетаётгани тағин-да ачинарли. Маълумотларга қараганда, сўнгги ўн йилликда 100 миллион гектар ўрмонзор йўқ бўлган.

Тўғри, бугун экологик муаммолар қаршисида қўл қовуштириб турилгани йўқ. Унинг олдини олиш бўйича маҳаллий доирадан чиқиб, дунё миқёсида кенг кўламли ишлар олиб бориляпти. Атроф-муҳитга зарар етказаётганлар тегишли равишда жазога тортилаётир. Дейлик, Сингапурда асфальтга тупурган киши минг доллар жарима тўлайди. Белгиланмаган жойда сигарета тутатсангиз, нақд 500 долларга тушасиз. Туркияда эса, сигарета қолдиғини йўлга ташлаган киши бир ойлик маошидан маҳрум бўлади. Бу каби ишлар айримларнинг наздида майдадек, арзимас нарсадек туюлар. Аммо глобал муаммоларни жиддий хатолар эргаштириб келиши айни ҳақиқат.

... Мақолага нуқта қўяётганимда димоғимга аччимтир ҳид урилди. Ташқарига қарасам, фаррошлар ўт қўйган хазон тутуни кўп қаватли уйни буркаб, кўкка ўрлаяпти...

**Саид РАҲМОНОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

*Республикамиз Президенти Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида банк тизимининг устувор йўналишларини белгилаб берган эди. Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, «Пахтабанк» томонидан ўтган тўққиз ой давомида Низом сармояси миқдорини кўпайтириш орқали капиталлашув даражасини ошириш, инвестиция ҳисобига корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнларида фаол иштирок этиш, кредит қўйилмаларини, шу жумладан, хорижий валютадаги қўйилмаларни орттириш, янги хизмат турларини жорий қилиш, мини банклар очиш туфайли мижозлар сонини кўпайтириш, банкнинг ахборот тизимини такомиллаштириш, пластик карточкалар ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини ўстириш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Пировардида банкнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари ўсишига эришилди. Жумладан, 2007 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, жамланма капитал миқдори 86218 млн. сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 21794 млн. сўмга ёки 133 фоизга кўпдир.*




# «ПАХТАБАНК»: ТАРАҚҚИЁТ ВА ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА

**Жараён**



Активлар миқдори эса 956 млрд. сўмга етказилди. Яъни у ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 279 млрд. сўмга ёки 141 фоизга, ресурслар базаси 437 млрд сўмга ёки 1,5 баробарга ошди. Банк активларининг 756 млрд. сўми ёки 79 фоизи даромад келтирувчи манбалардан иборат бўлиб, жаҳон амалиётида белгиланган (энг кам меъёр — 60 %) даражани ташкил этди.

2007 йил 1 октябрь куни АТ «Пахтабанк» Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ичида биринчи бўлиб «Fitch Ratings» халқаро рейтинг компаниясининг тўлиқ халқаро рейтингини олишга муваффақ бўлди. Айни чоғда «Fitch Ratings» халқаро рейтинг компанияси томонидан банкка «В-» эмитент дефолтининг узоқ муддатли рейтинги («ЭДР»), прогнози «Барқарор», «В» қисқа муддатли ЭДР, «D/E» шахсий рейтинги, «5» қўллаб-қувватлаш рейтинги каби рейтинглар берилди.

«Пахтабанк»ка инвестиция даражасининг халқаро рейтинги берилиши, ўз навбатида, хорижий инвестицияларни жалб этиш, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш юзасидан янги имкониятларни очди.

Кредит қўйилмаларининг ҳажми эса ўтган даврда 719 млрд. сўмни ташкил этиб, аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 167 млрд. сўмга ёки 130 фоизга ортди. Шу жумладан, хорижий валюта қўйилмалари қолдиғи 6073 млн. сўмга ёки 114 фоизга ўсди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 670-сонли Қарорига мувофиқ, «Пахтабанк» ўз капитали ва ресурслар базасини ошириш мақсадида шу йил 14 июлда банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказди. Унда банкнинг қўшимча эълон қилинган акциялари 30 млрд. сўм миқдорида белгиланди.

Шу йилнинг январидан бошлаб жисмоний шахслар учун номинал қиймати 10 минг сўмлик бўлган жами 50 млн. сўмлик, муомала муддати 3 ойлик депозит (омонат) сертификатлари муомалага чиқарилиб жойлаштирилган бўлса, орадан маълум вақт ўтгач, қўшимча равишда 150 млн. сўм миқдоридаги депозит (омонат) сертификатлари чиқарилиб жойлаштирилди. Яқинда эса юридик шахслар учун 2 млрд. сўм миқдорида депозит сертификатлари муомалага чиқарилди. Ҳозиргача эса унинг 500 млн. сўмлиги жойлаштирилди.

Президентимизнинг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 56-сонли қарори ҳамда 2006 йил 19 декабрдаги «Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан, 2007 йилги бизнес-режа, банк эмиссияси ва инвестиция сиёсатлари йўналишлари бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, банкнинг 12-эмиссия рисоласи асосида муомалага чиқарилган банк акциялари ўз қийматидан юқори нархда жойлаштирилди. Натижада устав капитали йил бошидаги кўрсаткичга нисбатан 148 фоизга ўсди. Бу ҳол банкка қўшимча 650 млн. сўмлик капитал киритилишига замин яратди.

Бундан ташқари, «Пахтабанк» капитали ва ресурслар базасини ошириш мақсадида 2007 йил 27 октябрда ҳам ўз акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишни ўтказди. Мазкур йиғилиш кун тартибига банкнинг эълон қилинадиган акциялари миқдорини белгилаш ҳамда банк уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида масалалар киритилганди. Шунга биноан, банк акциядорлари томонидан устав капиталини 100 млрд. сўмга етказиш учун унинг аввалги 30 млрд. сўмлик акцияларига қўшимча равишда 50 млрд. сўмлик ҳар бирининг номинал қиймати 1000 сўм бўлган ва эгаси ёзилган оддий акциялари эълон қилиниб, жами акциялар миқдори 80 млрд. сўм этиб белгиланди ва банк уставига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Шу билан бирга, банк қимматли қоғозлар бозорида ҳам дадил қадамлар ташламоқда. Хусусан, 2007 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, «Пахтабанк»нинг қимматли қоғозлар портфели 7470,1 млн. сўмга етказилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1535 млн. сўм ёки 125 фоиз зиёддир.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига кенгроқ жалб қилиш орқали банкнинг ресурс базасини кўпайтириш ва кредит бериш имкониятини янада кенгайтириш мақсадида эса янги омонат турлари ташкил этилди. Жумладан, янги 14 та омонат тури жорий қилиниб, уларнинг жами сони 27 тага етказилди. Айни пайтда коммунал тўловлардан нақд пул тушумини кўпайтириш ҳамда аҳолига қулайликлар яратиш учун 126 та махсус шохобча очилиб, улар орқали ўтган 9 ой мобайнида 15,6 млрд. сўмлик тўловлар қабул қилинди.

«Пахтабанк» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 августдаги «2007 йил пахта хом ашёси ҳосилини ўз вақтида ва сифатли йиғиб-териб олишни таъминлашнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги 688-сонли Қарори ижросини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, пахта йиғим-терими қатнашчиларига берилган нақд пул маблағларининг банк кассаларига қайтиб тушишини таъминлаш учун кўчма савдо дўконлари, коммунал тўловлари учун махсус кассалар ташкил этилди. «Ҳосил» ва бошқа омонат турларига маблағлар жалб қилинди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 280-сонли ҳамда 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сонли қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, «Пахтабанк» тизимида терминаллар сони 2403 донага, тарқатилган пластик карточкалар сони 604240 тага етказилди. Яъни бу кўрсаткич 2006 йил 1 октябрь ҳолатига нисбатан мутаносиб равишда 350 ва 41582 тага ортди. Пластик карточкаларга жалб қилинган маблағлар миқдори эса 86022 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баробар кўпайди.

Банк томонидан «Истеъмол кредити тўғрисида» ва «Ипотека тўғрисида»ги қонунлар ижросини таъминлаш борасида ҳам кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, ҳисобот даврида банк филиаллари маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларни сотиб олиш учун аҳолига 13113 млн. сўм миқдорида истеъмол кредити ажратди. Уй-жой сотиб олишга эса 1308 млн. сўм миқдорида ипотека кредити берилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4 баробар ортиқдир.

Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш учун эса жами 7529 млн. сўмлик истеъмол ва ипотека кредитлари ҳамда микрокредитлар ажратилди. Шу билан бир қаторда Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 325-сонли ҳамда 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожланишини жадаллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 640-сонли қарорлари ижроси бўйича соҳага 1 млрд. 627 млн. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилиб, бу борада белгиланган режа ортиғи билан уддаланди.

Бугунги кунда банк филиаллари 115 минг 893 та кичик бизнес субъектига хизмат кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич йил бошидагига нисбатан 2 минг 133 тага кўпдир.

«Пахтабанк» томонидан барча молиялаштирилган манбалар ҳисобидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредит қўйилмалари ҳажми, 2007 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, 73042 млн. сўмни ташкил этди. Ушбу кредит қўйилмаларининг 60 фоизи ёки 43960 млн. сўми қишлоқ хўжалигида чорвачиликни ривожлантиришга йўналтирилди.

Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан эса кичик бизнес субъектларига режадаги 15166 млн. сўм ўрнига 19754 млн. сўм миқдорида кредит берилди. Кичик бизнес субъектларининг 13580 лойиҳаси молиялаштирилишига берилган кредитларнинг умумий ҳажми 30450 млн. сўмни ташкил этди. Ана шу кредитларнинг 4144 млн. сўми ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, 19912 млн. сўми қишлоқ хўжалигига, 3462 млн. сўми маиший хизмат шохобчалари қурилишига, 1187 млн. сўми айланма маблағларни тўлдиришга ва 1145 млн.сўми бошқа соҳаларга йўналтирилди. Пировардида 17 минг 608 та янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан оилавий касаначиликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш учун 972 та тадбиркорга 1 млрд. сўмга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди.




«Пахтабанк», ўз навбатида, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро молия институтлари хорижий кредит линияларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, Германиянинг «КФВ» банки кредит линияси доирасида умумий қиймати 4,2 млн. евролик 6 та лойиҳа ўзлаштирилди. Европа Тикланиш ва тараққиёт банки кредит линияси асосида 11,8 млн. АҚШ долларилик 17 та лойиҳа, Осиё Тараққиёт банки кредит линиясининг 14,9 млн. АҚШ доллари қийматидаги 17 та лойиҳаси молиялаштирилди. Умумий миқдори 3,25 млн. АҚШ долларига тенг бўлган Хитой «Эксимбанки», Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки «Агросервис кредитлари» Д компоненти линияси ҳисобидан эса 7 та лойиҳа молиялаштирилиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилди.

**Шу билан бирга «Бухорогилам» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонасида йилига 1,2 млн. кв.м. миқдорида экспортга йўналтириладиган гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш, «Тўхтаниёз ота» фермер хўжалигида маҳаллий хом ашё асосида импорт ўрнини босувчи макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун 103,6 минг АҚШ долларига тенг бўлган кредит лойиҳалари молиялаштирилди. Германиянинг «Ландес» ҳамда «Хипоферайнсм» банклари билан эса ўзаро битим имзоланиб, «Ройсон вайт гудс» қўшма корхонасида экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи кир ювиш машиналари ҳамда музлатгичлар ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳа учун 3 млн. евро миқдоридаги кредит маблағлари йўналтирилди. Умуман, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 51 та инвестицион лойиҳаси молиялаштирилиши натижасида 1654 дан зиёд янги иш ўринлари очилди.** Уларда 140,8 млрд. сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шундан 17 млн. АҚШ долларидан зиёдроқ маҳсулот экспортга йўналтирилди.

Ҳозирда «Пахтабанк» томонидан 10 та хорижий давлатнинг 21 та банки билан вакиллик алоқалари ўрнатилган бўлиб, шу асосда банк амалиётларининг барча турлари бўйича операциялар амалга оширилиб келинмоқда.

Қолаверса, Молия вазирлиги ҳузуридаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси» маблағлари ҳисобидан «Пахтабанк» пахта хом ашёси ва ғалла етиштириш учун жами 388 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратди. Ушбу кредитларнинг ўз вақтида ва мақсадли ишлатилиши ҳамда белгиланган муддатларда қайтарилиши устидан доимий мониторинг ўрнатилиб, пахта ва ғалла ҳосилини молиялаштириш учун олинган ресурслар жамғармага тўлиқ қайтариб берилди.

Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ҳам фермер хўжаликларининг моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш ва уларга яқиндан кўмак бериш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 39,8 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. 2008 йил ҳосили харажатларини молиялаштириш учун эса имтиёзли кредитларни бериш давом эттирилмоқда. Уларнинг асосий қисми, яъни 26,8 млрд. сўми қишлоқ хўжалиги техникалари ва эҳтиёт қисмлар харид қилиш учун, 5,9 млрд. сўми чорва моллари ва 7,1 млрд. сўми сув чиқариш насослари, ишлаб чиқариш технологиялари ва уруғлик картошка сотиб олиш учун йўналтирилгандир.

Хабарингиз бор, икки йилдан буён пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да қишлоқ хўжалиги учун мини технологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси ўтказиб келинмоқда. «Пахтабанк», жумладан, «Agrominitech Expo — 2007» кўргазма-савдосида иштирок этиб, 1025 млн. сўмлик 94 та лойиҳа ва қишлоқ хўжалик техникалари учун имзоланган 663 млн. сўмлик шартномани молиялаштирди.

Акциядорлик тижорат «Пахтабанк»и қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, тугатилган хўжалик (ширкат)лар ҳудудида инфратузилмалар ташкил этиш ва мижозларга малакали хизматларни кўрсатиш ишларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Мисол учун, Президентимизнинг 2005 йил 8 ноябрдаги «2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 215-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида унинг вилоят бошқармалари филиаллари таркибида 150 та, 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 255-сонли Қарорига асосан 28 та, 2006 йил 21 ноябрдаги «2007 йилда қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 514-сонли қарорига мувофиқ 48 та жами 698 та мини банк ташкил этилди. Улар бугунги кунда 56600 та мижозга хизмат кўрсатмоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва қишлоқ хўжалик корхоналарини замонавий техникалар билан таъминлаш учун тўғридан-тўғри чет эл давлатлари билан ҳамкорлик қилиш масалалари ҳам «Пахтабанк»нинг диққат марказида турибди. Хусусан, халқаро молия институтлари (ХТТБ ва ОТБ) маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги техникалари ва эҳтиёт қисмлар хариди учун шу йилнинг 9 ойида 3,4 млн. АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли кредитлар ажратилди. Бу маблағга 140 та қишлоқ хўжалиги корхонаси ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан 249 дона замонавий техника харид қилинди. Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банкининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси маблағлари ҳисобидан 11,7 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар берилди. Осиё Тараққиёт банкининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналари ривожланишини қўллаб-қувватлаш» компоненти маблағлари ҳисобидан 5 млн., «Аму-Занг машина канали тизимини тиклаш» лойиҳасининг «Фермер хўжаликлари ривожланишини қўллаб-қувватлаш» компоненти маблағлари ҳисобидан 2,2 млн. АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли кредитлар йўналтирилди. Мазкур чет эл кредит линиялари ҳисобидан 862 дона қишлоқ хўжалиги техникаси харид қилинди. Лизинг асосида эса 596 дона «ТТЗ», 325 дона «МТЗ» тракторлари сотиб олинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги «2007-2011 йилларда пахта тозалаш корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида»ги қарорига асосан эса, соҳага 2167 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шу жумладан, «Ўзбекпахтасаноат» уюшмаси тизимидаги корхоналарни модернизация қилиш учун 700 млн. сўм, биолаборатория ускуналарини сотиб олиш учун 1467 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди.

Айни кунларда иқтисодиёт тармоқлари базасида янги инвестиция лойиҳаларини кредитлаш мақсадида «Қарши насос» станциясини таъмирлашга кредит ажратиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Республика акциядорлик тижорат «Пахтабанк»и жамоаси бундан буён ҳам мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади.





**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**Усмон УСМОНОВ.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт



# ЧИНИҚИШ МАЙДОНИ

Куни кеча Миробод тумани, «Қўйлиқ-5» мавзесидаги "Янги Қўйлиқ" маҳалласида барча қулайликларга эга бўлган "Миробод" болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Мажмуанинг қурилиш-монтаж ишларига Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали 670 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлади. Шунингдек, у 30 миллион сўмликдан зиёд спорт анжомлари билан жиҳозланди.




— "Янги Қўйлиқ" маҳалласида 4200 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди "Миробод" болалар спорт мажмуаси директори Михаил Алиев. — Уларнинг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Қолаверса, мажмуа атрофида 6 та умумтаълим мактаби, 10 та мактабгача таълим муассасаси жойлашган. Бугун фойдаланишга топширилган мажмуада футбол, волейбол, баскетбол, теннис, қўл тўпи, стол тенниси, гимнастика, шахмат-шашка, мини футбол каби ўндан ортиқ спорт турлари билан шуғулланиш учун зарур имкониятлар яратилган. Спорт иншоотида бир вақтнинг ўзида 150 нафар бола машғулот ўтказиши мумкин.

"Миробод" болалар спорт мажмуасининг очилиш маросимида сўзга чиққанлар ушбу кошона ёшларимиз учун чиниқиш масканига айланиши, келажакда улар орасидан юртимиз шарафини халқаро спорт майдонларида муносиб ҳимоя қиладиган иқтидорли спортчилар етишиб чиқишига ишонч билдирдилар.

# ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

**Туркиянинг Анталия шаҳрида футбол бўйича ногиронлар ўртасида жаҳон чемпионати давом этмоқда.**

**"В" гуруҳида тўп сураётган Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси биринчи учрашувни Бразилия футболчиларига қарши ўтказиб, 4:2 ҳисобида зафар қучди. Худди шундай натижа Россия — Англия учрашувида ҳам қайд этилди. Украина — Сьерра-Леоне учрашуви 2:1 ҳисоби билан тугади.**

**Мусобақа ғолиби номи 20 ноябрь куни маълум бўлади.**

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# ФЕРМЕР — ЁШЛАР ҲОМИЙСИ

**Юртимизда болалар спорти ривожига ўз ҳомийликлари билан ҳисса қўшаётган фермерлар тобора кўпаймоқда.**

Ана шундай тадбиркорлардан бири сайхунободлик фермер Баҳодир Шукуровдир. Баҳодир ака шу ҳудудда жойлашган 28-умумий ўрта таълим мактабининг асосий ҳомийларидан ҳисобланади.

Яқинда Баҳодир аканинг ташаббуси билан ёшлар ўртасида катта кураш тадбири ўтказилди. Унда сирдарёлик ёшлардан ташқари, Навоий, Тошкент, Самарқанд ва Фарғона водийси вилоятларидан келган спортчилар қатнашдилар.

Мусобақа ғолибларига фермер томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари топширилди.

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Хоразмда Паҳлавон Маҳмуд таваллудининг 760 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган миллий кураш бўйича V халқаро турнирига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.**

# ХОРАЗМДА ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШАДИ

Маълумки, Паҳлавон Маҳмуд ўз даврининг машҳур курашчиси, шоир ва мутафаккири эди. Унинг хотирасига бағишлаб халқаро турнир уюштирилиши эса буюк бобомизга ҳозирги авлодларнинг эҳтироми рамзидир.

Халқаро турнир декабрь ойининг учинчи ўн кунлигида Хива шаҳридаги спорт мажмуасида бўлиб ўтади. Унда мамлакатимиз спортчиларидан ташқари, қўшни давлатлардан келган курашчилар ҳам гиламга чиқиши кутилмоқда.

**О. РАҲИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# WBO ВА IBF ЧЕМПИОНЛИК КАМАРЛАРИ БИРЛАШАДИМИ?

**Профессионал бокснинг ўта оғир вазнида жаҳон чемпионлари — украиналик Владимир Кличко (IBF) ва россиялик Султон Ибрагимов (WBO) қўшкамарлик учун бўладиган жангда рингга кўтариладилар, деб хабар беради АР.**

Ҳозир иккала боксчи промоутерлари ўзаро шартномани имзолаш арафасида туришибди. Жангни келаси йилнинг 23 февраль куни Нью -Йоркдаги "Madison Square Garden" саройида ўтказиш режалаштирилган. Демак, ғолиб профессионал бокснинг ўта оғир вазнидаги нуфузли тўрт йўналишнинг иккитаси чемпионлик камарига эга бўлади.

**Ж. ЗИЁЕВ.**

# «Андишали келинчак»дан бошланди

*Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон ўзбек драма театри ўзининг 87-мавсумини бошлади. Дастлаб санъаткорлар драматург Эркин Хушвақтов қаламига мансуб "Андишали келинчак" спектаклини томошабинлар эътиборига ҳавола этишди.*

Санъат

— Ушбу мавсумда кўплаб янги асарларни саҳналаштириш ниятидамиз, — дейди театр режиссёри Зайниддин Омонов. — Ҳамид Олимжон поэмаси асосидаги "Семурғ", Гоголнинг "Ревизор", Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Падаркуш", Тоҳир Малик қиссаси асосидаги "Заҳарли томчилар" каби саҳна асарлари шулар жумласидандир.

**А. САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**


## Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

**2007 йил 14 декабрь куни соат 11.00 да**
**Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қўймоқда:**

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2007 йил 26 июндаги 1-569/07-сонли ижро варақаси ва 11678/6-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Рамазон кўчасида жойлашган «Наслли Парранда» ҚКга тегишли, 5,66 гектар майдонга эга ва қурилмалар майдони 15 779,37 кв.м.дан ташкил топган паррандачилик фабрикаси (ишлаб чиқариш ҳудуди).

*Бошланғич баҳоси — 689 573 000 сўм.*

Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, ҳ/р 20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

**Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Тел.: 138-69-94,138-69-93.**

1673Н/2634

Лицензия DB001-000010



## Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

## «Крокус Газ Сервис» ҚК

**«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:**

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**



**Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.**

**Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.**

**Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Россияда ишлаб чиқарилган**

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**



**замонавий электрон газ ўлчагичлари.**

**Ўлчаш диапазонлари:**
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

**Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.**

1505Н/1823


Бу ажиб дунё

## ЧАНГАЛЗОРДА ЯШАШ ЯХШИМИ?

*Амазонка чангалзорларидаги дарахтларни ноқонуний кесаётган одамларни излаётган перулик экологлар шу пайтгача жамоатчиликка номаълум бўлган ҳинду қабилаларига дуч келишди.*

BBC хабарига қараганда, 21 нафар ҳинду Лас-Пьедрас дарёси қирғоғида пальма шохлари ва баргларидан қурилган кулбаларда истиқомат қилишар экан.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мамлакат ўрмонларидаги дарахтлар қирқилиб, ерлар ўзлаштирилаётгани туфайли ҳинду қабилалари тобора цивилизациядан узоққа, чангалзорлар ичкарисига кўчиб кетмоқда. Аҳвол шундай давом этса, яқин йилларда бундай қабилалар бутунлай қирилиб кетиши мумкин. Шифокорларнинг таъкидлашича, уларнинг организми цивилизациядаги касалликларга ниҳоятда чидамсиз.

## ЎН БИРИНЧИСИНИНГ ЎРНИ БОШҚАЧА

*Россиянинг Олтой ўлкасига қарашли Алейск шаҳарчасида истиқомат қилувчи Халинлар оиласида яқинда ўн биринчи фарзанд дунёга келди.*

Ўлчаб кўрилганда, чақалоқнинг оғирлиги 7,75 килограмм эканлиги маълум бўлди. Гўдакнинг онаси Татьяна Халинанинг таъкидлашича, биринчи фарзандининг оғирлиги 4,1 килограмм бўлган. Кейинги фарзандлари оғирлиги эса секин-аста ошиб борган. Ўн бир фарзанднинг биронтаси ҳам ўзидан олдинги чақалоқдан енгил туғилмаган.

Гиннес рекордлар китобида қайд этилишича, дунёдаги энг оғир чақалоқ 1955 йили Италияда туғилган. Унинг оғирлиги 10,25 килограммни ташкил этган. Халинларнинг фарзанди эса оғирлиги бўйича ундан кейинги, иккинчи ўринни эгаллади.







Барча юридик ва жисмоний шахслар диққатига!

**«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ МАРКАЗИ**

***2008 йил учун ўлчаш воситаларини мажбурий давлат қиёслашидан ўтказиш учун шартнома жадвалларини тузади.***

**Шартнома жадвалларини тузиш муддати — 2008 йил 1 февралгача.**

**Маълумот учун телефонлар: 150-26-03,150-26-02, факс: 150-26-15.**

**e-mail: metrolog@sarkor.uz.**

1520R/1845



**HYUNDAI** АВТОМАРКАЗИ ОЧИЛГАНИНИНГ 1 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН DONGNAMUZ-MOTORS КОМПАНИЯСИ **19-24 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ АКЦИЯСИНИ ЎТКАЗАДИ.**



**МАШИНАЛАРГА БЕПУЛ ТАШХИС ҚЎЙИШ, ТАЪМИРЛАШГА ЧЕГИРМАЛАР, HYUNDAI АВТОМАШИНАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ БЕПУЛ ЎРГАТИШ!!!**

**ХИЗМАТНИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ТАЖРИБА ОРТТИРГАН МУТАХАССИСЛАР БАЖАРАДИ.**

**ХИЗМАТГА ЁЗИЛИШ 5 НОЯБРДАН ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:**

+998 71 250-11-11,
+998 71 250-69-99.

**HYUNDAI!!! ЎЗ ЙЎЛИНГНИ ЎЗИНГ ТАНЛА!!!**


Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси жамоаси қўмита ходими

**Гулнора ҲОШИМОВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент фармацевтика институти жамоаси «Ботаника, физиология ва микробиология» кафедраси доценти Абдуғаффор Жабборовга турмуш ўртоғи

**Насиба ЖАББОРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Respublika teleradiomarkazi» давлат унитар корхонасининг маъмурияти муҳандис

**Зикрулла МУСЛИМОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси жамоаси марказий клиник лаборатория бўлими мудири Нурхон Муҳамедовага падари бузруквори

**Абдуҳалим ҚЎЧҚОРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари «Табиий фанлар» кафедраси мудири, профессор Дилором Ёрматовага укаси

**Искандар САЪДИНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 24132 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.20 7